

# Бўлажак Ўқитувчиларнинг Методик Тайёргарлик Жараёнини Таркиблаштириш Асосида Когнитив Фаолиятни Такмиллаштириш Йўллари

*Юсунов Бекзод Эргашевич<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ушбу мақолада таълим тизимида кенг қўлланиладиган ўқитиш, ўрганиш, педагогик тайёргарлик, методик тайёргарлик, педагогик таълим каби тушунчаларга маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан берилган қиёсий тавсифлар, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини оширишда таълим технологияларини билишлари, жамоада, гуруҳда ўқитиш технологияси, шахсга йўналтирилган таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, муаммоли таълим технологияси, модул технологиясининг асосий хусусиятлари тўғрисида фикрлар баён қилинган ва умуман олганда, методик тайёргарлик жараёнида таълимнинг асосий вазифаси ҳал этилиши, яъни, баркамол шахсни ривожлантириш учун шароитлар яратишнинг зарурлиги, маънавий, компетентли, ўз-ўзини ривожлантирувчи ижтимоий фаол шахсни юзага келтириш масаласи хусусида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Жамоада, гуруҳда ўқитиш технологияси, шахсга йўналтирилган таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, муаммоли таълим технологияси, модул технологияси педагогик тайёргарлик, ўқитиш, ўрганиш, методик тайёргарлик, когнитив фаолият.

## КИРИШ (Introduction)

Бугунги кунда методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятни такмиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятига инновацион ёндашувларни олиб кириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Чунки методик тайёргарлик пухта бўлса, таълим сифати ва педагогик жараён самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Зеро, “янги Ўзбекистон стратегиясининг мустақкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”. Умуман олганда, ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янги таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини таъминлайдиган, дунё узра нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР (Discussion and results)

Методик тайёргарлик – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, баҳолаш, илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмаларидир.

<sup>1</sup> ҚММИ, Қарши халқаро университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи



“Методик тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини очиб берувчи таъриф ва илмий тадқиқотларни кўриб чиқсак, рус тилидаги илмий адабиётларда “методика” атамаси биринчи марта 1783 йилда Ф.И.Янковичнинг ишларида учрайди.

Тайёргарлик атамаси эса, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовнинг изоҳли луғатида қуйидагича талқин қилинади: 1) бирор бир нарса учун зарур бўлган билимларни ўрганиш, шакллантириш; 2) биро киши эгаллаган билимлар. Демак, тайёргарлик – таълим жараёни ва унинг натижасидир. Бунда ўқитиш инсонга таълим бериш мақсадида ёки унинг маълум касбий ихтисосини эгаллаши мақсадида амалга ошириши мумкин. Биринчи мақсадга эришиш аввало маълум билимлар тизимини ва шахсий хусусиятларни шакллантиришни назарда тутуади. Иккинчи мақсадда кўпинча касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш орқали эришилади.

Рус олими В.В.Малев замонавий методик тизимнинг характерли хусусиятларини қуйидагича: “таълим жараёнини илмий асосда режалаштириш лозимлиги; назарий ва амалий тайёргарликнинг уйғунлиги ва бирлигига эришиш; ўқув материални тез суръатда, юқори даражада ўргана олиш; юқори фаоллик ва талабаларнинг етарлича мустақил фаолиятига эришиш; индивидуал ва гуруҳли фаолиятнинг ўзаро бирлиги таъминланиши; ўқув жараёнининг техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш; турли фан, мавзуларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг таъминланиши сифатида таснифлайди ва таърифини шакллантиради.

Тадқиқотчи олим Ш. Ибрагимова фикрича, методик тайёргарлик – “педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашни аниқлаш. Бундан ташқари, В. А. Адольф ва В. А. Слостениннинг фикрига кўра, методик компетентлик аниқ ифодаланган амалий хусусиятга эга ва ўз моҳиятига кўра у ёки бу фанни ўқитишнинг аниқ қуриш масалалари бўйича кенгайтирилган билимлар тизимини акс эттиради. Бунинг учун эса, педагогик жараёнларни замонавийлаштириш талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини оширишда қуйидаги таълим технологияларини билишлари талаб этилади:

- 1. Жамоада, гуруҳда ўқитиш технологияси.** Ҳар бир аъзосига ғамхўрлик асосида бирлашган инсонлар гуруҳи бўлиб, унинг асосий тамойиллари: ўзгаруви кичик гуруҳлар, жуфтликлар, улардаги ўзаро таълим; ўзаро назорат ўзаро бошқарув. Тўғри ташкил этилган педагогик раҳбарлик ва бошқаруви натижасида бу шакллардан фойдаланиш умумий мақсадни аниқлаш, вазифаларни мақсадли белгилаш, ўзаро боғлиқлик ва назорат каби жамоага хос бўлган шароитларни юзага келтирди.
- 2. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси.** Ўқувчининг индивидуал хусусиятларини очиб бериш, унинг қобилиятларини ривожлантириш, қизиқишларини эътиборга олган ҳолда шахс сифатида шаклланишига ёрдам берувчи яқка тартибда олиб бориладиган таълим шаклини шахсга йўналтирилаг таълим дейилади.
- 3. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси.** Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси фақат биргаликда бирор иш бажариш эмас, биргаликда ўқишдан иборат. Таълим оловчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш имкониятлари турлича: айримлари ўқитувчиларнинг тушунтиришларини тез илғаб олади, айримларига кўшимча вақт ва тутунтириш ишлари зарур. Агар таълим оловчиларни 4-5 нафардан кичик гуруҳларга ажратиб, уларнинг ҳар бири вазифаси аниқ кўрсатиб ўтилса, бундай вазиятда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзига юклатилган вазифа ва гуруҳ вазифасига масъулият сезади. Паст ўзлаштирувчилар илғорлардан ёрдам сўрайдилар. Ҳамкорликда келиб чиқадиган муаммолар ҳал этилади.
- 4. Муаммоли таълим технологияси.** Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ўқитувчи томонидан талабаларни ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифалари, муаммолари ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича



уларнинг билиш фаолиятини бошқаришни ташкил этади. Муаммоли ўқитишнинг вазифаси, талабалар томонидан билимлар тизими ва ақлий-амалий фаолиятлари усулларини самарали ўзлаштиришга ҳамкорлик қилиш, уларда янги вазиятга олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билим мустақиллиги ҳамда ўқув-тарбия муаммоларини ҳал қилишдир. Муаммоли ўқитишга асосланган ўқув машғулотларини ўтказиш методикасида ижодий, қиман-ижодий ва эвристик, ахборотларни муаммоли баён қилиш, ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш асосий методлаор ҳисобланади.

- 5. Модул технологияси.** Таълим олувчи унга тавсия этилган дастур асосида бир мунча мустақил билим олади. Модул - фаннинг бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилагн, маълум тамойиллар асосида ишлаб чиқилган ўқув материалнинг яқунланган бирлигини билдиради. Модулли таълимни муваффақиятли амалга ошириш учун тузилган моддулли дастур қуйидаги тамойилларга бўйсунуши лозим: ахборот материалларини мақсадга йўналтирилганлиги. Мавзуни аниқ қўйилган мақсади асосида ахборот блоки ташкил этилади; комплекс, интеграллашган ва хусусий дидактик мақсадларнинг мослиги. Модул технологиясини қўллаш учун қуйидагилардан ташкил топган ўқув-методик мажмуани тайёрлаш талаб этилади: талабалар билимини назорат қилувчи тест топшириқлари; мустақил иш топшириқлари; ўқув-методик тарқатма материаллар; адабиётлар рўйхати, ишчи ўқув дастури.

Методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг умуммаданий салоҳияти, мутахассислик билимлари ҳамда шахсий фазилатлари шаклланишида уйғунликка эришиш тақозо қилинади. Шу боис ўқув режаларида кўзда тутилган барча билимларга оид фанларнинг интеграциялашув зарурати юзага келади. Демак, интеграллашган методик фаолиятни ўқитишда фанлараро алоқаларни мустаҳкамлашга асосланади. Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида мустақил фикрлаши, ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Бинобарин, шахсга йўналтирилган таълим ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари таъсирида яхши самара бериши мумкин. Таълим технологиялари самарадорлигини янада оширишда замонавий ахборот коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа беради.

Инновацион жараёнлар таъсири ижтимоий тараққиётда кун сайин ортиб бормоқда. Барча замонларда билимлар инсоният томонидан юқори баҳоланган, жамият ва инсонда интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланиб келган ва инновацион методик фаолият самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилган. Зеро, “тараққий этган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти кўрсатадики, бугун билимлар инвестицияси ривожланиб, асосий фондларга нисбатан устувор ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Сўнги йилларда олиб борилаётган таълимий ислохотлар асосида таълим муассасалари моддий-техника ва ўқув-услугий базасини ривожлантиришда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари учун янги авлод дарсликларини яратиш масаласи ижобий ҳал этилмоқда, дастурида белгиланган республика Фан ва технологияларни ривожлантириш кўмитаси ҳузурида Инновацион технологиялар соҳасида илмий ва амалий тадқиқотларни рағбатлантириш жамғармасини тузиш бу соҳа самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Шунингдек, методик тайёргарлик ҳам ижодий жараён бўлганлиги боис, янгиликни яратувчи ва унинг натижасига эришишни ўзига мақсад қилиб олган ижодкор педагогнинг фаолиятида ҳам унинг маънавий борлигида мужассам бўлган кадриятлар, билимлар ва қобилиятларнинг номоён бўли-шини тақозо этади. Алоҳида шахс томонидан яқка тартибда юритиладиган инновацион методик фаолият жараёнида бундай салоҳият шахснинг индивидуал фазилатлари, билим, кўникма, малакалари ва истеъдод ва иқтидори сифатида жамоа миқёсида ёки оммавий миқёсда амлага ошириладиган фаолият асносида ижтимоий-маданий кадриятлар мажмуи кўринишида



юзуга чиқарилади. Демак, янгича педагогик фаолият алоҳида иждокор томонидан ёки иждодий жамоа томонидан самарали тарзда амлага ошириш учун керакли маънавий салоҳият инсоннинг рухий оламида ёки ижтимоий-маданий тизимлар шаклида мавжуд бўлиши, зарурат юзуга келганда бу салоҳиятни ҳаракатга келтириш имконияти бўлиши лозим.

Когнитив фаолият тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг тамойилларини алоҳида кўриб чиқамиз. Улар қуйидагилардан иборат:

### **I. Стратегик йўналишлар:**

1. Мақсадли *узлуксиз таълимнинг натижаси* сифатида ҳар бир битирувчининг нафақат билимларини, балки *фикрлаш ва фаолият* қобилиятини, яъни тегишли ривожланиш оқибатларини таҳлил қилиш, баҳолаш.
2. Таълимнинг муҳим натижаси – ижтимоий ҳаётнинг фаол ва масъулиятли субъекти сифатида шахснинг илмий асосланган *қўп ўлчовли ижтимоий онгини* ривожлантириш керак.
3. Шахснинг ўзини ўзи қондиришини шакллантиришга ҳисса қўшиши, ҳаёт учун бошланғич имкониятларни яратиши ва ўзини ўзи англашига шароит яратиш керак.
4. Педагогикадан таълим олган фуқаро нафақат ижтимоий шаклланиш ва ижтимоий мослашув, балки унинг диққат объектига айланган ҳар бир инсонни ижтимоий даволаш, тузатиш, ижтимоий реабилитация *муаммоларини ҳам малакали ҳал этиши* керак.
5. Педагогик таълим *ҳар қандай таълим турининг таркибий қисмига* айланиши керак.
6. Ҳар қандай таълимнинг органик қисми *ижобий ижтимоий онгини* ривожлантириш ва шу асосда ижтимоий хулқ-атворни шакллантириши керак.
7. Жинси, миллати, диний эътиқоди, сиёсий мансублиги, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, *ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши* зарур.
8. Фуқарони тарбиялашда *фаол муносабатни* ҳам ижтимоий сиёсат масалалари, ҳам ижтимоий ҳаёт нуқтаи назаридан таъминлашнинг ишончли пойдеворини яратишни ижтимоий фаровонлик, эркинлик, адолат ва тенглик қадриятлари асосида шакллантириш зарур.
9. Педагогика соҳасида ишлайдиган *мутахассис обрўсини* мақсадли шакллантириш.

### **II. Амалиётга йўналтирилган йўналишлар:**

1. Ривожлантириш *комплекс* таълим мазмуни барпо этишни ўз ичига олади.
2. *Инсонпарварлаштириш* ва *умумбашарий инсоний қадриятларга*, ҳурматнинг асосий тамойилларига асосланган таълим жараёнини қуриш мутахассисларнинг асосий билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари умумий фуқаролик ва шахслараро хусусиятга эгаллигига асосланмоғи керак.
3. Фундаментал ва технологик, амалий йўналтирилган тайёрлашнинг иждодий *синтезига таянмоқ муҳим*.
4. Талабалар учун *асосий малакаларни* эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиш, умуммаданий ва касбий (ижтимоий технологиялар, тадқиқот, ташкилий, маъмурий, ижтимоий-дизайн ва бошқалар)ни сабоқлар режаларига киритиш.
5. Таълим мазмунини ривожлантиришда педагогик соҳа мутахассиси фаолиятининг *қўп қирралилиги* (турли хил функционал вазифалар, фаолият технологиялари ва ижтимоий хизматлардан фойдаланувчилар тоифалари) ҳодисасини ҳисобга олиш.
6. Педагогик фаолиятга тайёргарликни амалга оширадиган мутахассислар ўртасида мунтазам равишда *маълумот* ва тадқиқот *натижалари алмашинувини амалга ошириш*.
7. Талабалар ва битирувчиларнинг *касбий ўзини ўзи англашини қўллаб-қувватлаш* жараёнини *узлуксизлик* ва *изчиллик* тамойиллари асосида *ташқил этиш*.



8. Таълим дастурининг *мазмунини сифатли танлашга* эътиборни қаратиш (фанларни ўрганиш тартибини белгилаш, ҳар бир фаннинг дидактик бирликларини аниқлаш, таълимнинг амалиётга йўналтирилган парадигмасини жорий этиш, ўқитиладиган фанларнинг предметларини ўз вақтида янгилаш ва бошқалар).
9. Ўқитувчилар ва талабалар учун асосий таълим дастурининг фанларини ўрганиш учун *ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш*.
10. Ўқитиш фаолияти мазмунининг таълим ва тарбия жараёни соҳасидаги илмий ютуқларга *мувофиқлигини* таъминлаш.
11. Педагогик фаолиятга қизиқиш уйғотиш мақсадида *ОТМгача тайёрлов* доирасида ёшлар ўртасида фаол *касбга йўналтириш ишларини олиб бориш*.
12. *Ихтисослаштирилган (ижтимоий)* маълумотга эга илмий ва педагогик кадрларни жалб қилиш.
13. Ўқитувчилар, талабалар ва докторантларнинг *илмий фаолиятини* рағбатлантириш.
14. *Назарий ва амалий* машғулотлар *мувозанатини* ўрнатиш.
15. *Моддий-техник жиҳозларнинг* (техник ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар ва бошқалар) сифатини таъминлаш.
16. *Назорат тадбирларини* оқилона ва самарали *ташқил этиш* (тестлар, жорий ва давлат имтиҳонлари ҳамда бошқалар)ни сифатли ўтказиш.
17. Ўқитувчиларнинг *“баҳолаш сиёсати”ни* танқидий англаш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун ягона талабларни ишлаб чиқиш.
18. Таълим жараёнини ташқил этишнинг *самарали* шаклларини, ўқитишнинг *фаол* усулларини ва *интенсив* ўқитиш технологияларини амалга ошириш (ўқитиш технологиялари – модулли, муаммоли, диалогик, ривожлантирувчи ва ҳ.к.). Ўқитиш усуллари –янгилик яратиш, дискрет ўз-ўзини тарбиялаш, лойиҳалаш, моделлаштириш, стажировка, синов, тренинг, синектика, “давра суҳбати”, полемика, мунозара ва бошқалардан самарали фойдаланиш.
19. Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда таълим хизматларининг *барча истеъмолчилари* (манфаатдор томонлар) –ўқитувчилар, маъмурий ва бошқарув ходимлари, талабалар, ота-оналар, иш берувчилар ва бошқаларнинг *саъй-ҳаракатларини* бирлаштириш.
20. Таълим тушунчаларининг *хилма-хиллигини* бартараф этиш, таълим муассасалари ва ижтимоий фаолият амалиётининг иккала тарафи учун ўзаро англашув қийинчиликлари сабабини бартараф этиш мақсадида маҳаллий муаллифлик дастурларини яратиш.
21. Талабларнинг *касбий муҳим фазилатларини* ривожлантиришга эътибор қаратиш: ижтимоий фаоллик, жамоатчилик, бағрикенглик, рефлексивлик, ижодкорлик ва бошқалар.
22. Узлуксиз таълим мазмунини *инсонпарварлаштириш* инсоннинг ички дунёси, унинг маънавий соҳадаги фаолиятини акс эттирувчи *гуманитар билимларни ажратиб* туришдир.
23. Энг илғор жаҳон таълим стандартларини таълим мазмуни ва технологияларига *сингдириш (интеграция қилиш)*.

Бугунги кунда ҳақиқий когнитив тизимларни яратиш учун ахборот технологиялари ва қурилмаларнинг ўзига хос хусусияларга эга бўлишининг ўзи етарли эмас эди. Ўқитиш методикаси ва технологияларига кенг қўламли равишда кириб келган бундай технологияларнинг энг асосий камчилиги улар томонидан бажариладиган интеллектуал амалларнинг олдиндан ишлаб чиқилган дастур доираси билан чекланганлиги, ижодий фикрни мустақил равишда асослаш, уни пировард ижобий натижага мустақил равишда йўналтириш имкониятининг йўқлиги эди. Шу боис ахборот технологиялар ва воситаларини қўллашдан эришилган натижаларга узил-кесил баҳо бериш улардан ижодий педагогик жараёнда фойдаланиш ёки фойдаланмаслик юзасидан қарор қабул қилиш ижодкор педагогнинг ўзига





хавола қилинади. Албатта, инновацион педагогик жараёнда бундай масалаларни ўқитувчининг ўзи томонидан ҳал қилиниши, уларни ақлли машиналарнинг зиммасига тўлиқ юклаб қўйишни имконияти йўқ. Шу билан бир қаторда янгиликни яратиш ва ақлий салоҳиятдан мустақил фойдаланиш орқали ижодий вазифаларнинг бир қисмини когнитив лаёқатга эга бўлган компьютер техникасидан ва технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш зарурати юзага келган.

Когнитив салоҳияти ана шундай вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлган тизим ва тузилмаларни яратиш 3 йўналишда, биринчидан, ижодий жараёнда юзага келадиган вазиятларни тўлиқ баҳолаш янги вазифани бажаришнинг оптимал вариантыни танлашга имконият берадиган инфорацион дастурларни ишлаб чиқиш, иккинчидан жуда катта функционал имкониятга эга бўлган компьютер техникасининг янги авлодларини яратиш, учинчидан, ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларини ижодий ёки ишлаб чиқариш жараёнига бевосита уйғунлаштиришни кўзда тутган ҳолда ўтказилди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилганда, талабаларнинг когнитив фаолиятини таркиблаштириш асосида такомиллаштириш модели замонавий педагогиканинг таълим сифатига қаратилган инновацион тамойилларга асосланиб, унда педагогик жараёни алоҳида-алоҳида майда қисмларга бўлиш, уларнинг кетма-кетликда амалга ошириш изчиллигига эришиш таълим сифатига таъсир кўрсатиши келиб чиқади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.
2. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики. Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. -С. 271с. <http://hosting.vspu.ac.ru/~mvv/mpi/mpi-uch.htm>
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис.- Т.: 2007. –Б. 315.
4. Слостенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – Москва.: Издательский центр «Академия», 2003. – Б. 78.
5. Юсупов Б. Э. Вопросы педагогических систем, педагогических технологий и педагогических исследований в педагогическом процессе //Вестник науки. – 2021. – Т. 4. – №. 6 (39). – С. 58-63.
6. Юсупов Б. Э., Хайитова С. Развитие образовательного процесса на основе инновационных подходов //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 19-2 (73). – С. 42-46.
7. Юсупов Б. Э. и др. Инновационные педагогические технологии как фактор повышения эффективности образования //Педагогика и современное образование: традиции, опыт и инновации. – 2019. – С. 69-72.
8. Юсупов Б. Э. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ФУНКЦИЯЛАРИ КОМПОНЕНТЛАРИНИ ТАРКИБЛАШТИРИШНИНГ ТАҲЛИЛИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 82-89.
9. Юсупов Б. Э. Таълим инновацияларидан фойдаланишдаги муаммолар ва ечимлар //Современное образование (Узбекистан). – 2019. – №. 6 (79). – С. 31-36.
10. Жумаев Э. Т., Юсупов Б. Э. Включенность личности школьника в классный коллектив //NovaInfo. Ru. – 2018. – Т. 2. – №. 85. – С. 192-195.

